



ИНСОН КАПИТАЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

Атаханов Рафикжон Сотволдиевич

Тошкент молия институти Андижон факультети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси доценти

Тел: +998978360217

ataxanov1966@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10352145>

ARTICLE INFO

Received: 05th December 2023

Accepted: 10th December 2023

Online: 11th December 2023

KEY WORDS

Янги Ўзбекистон, Учинчи ренесанс, тараққиёт стратегияси, инсон капитали, индивидуал, ёшлар, модернизация, меҳнат бозори, ислохотлар, фан, таълим, кўникма, малака, ижтимоий сиёсат, инвестиция, тадбиркорлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистон, янгича дунёқараш ва ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларда инсон капиталининг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. 2022–2026 йиллар учун мўлжаллаб ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, инсоннинг билим ва кўникмалари ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятлари кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон аҳолисининг қарийиб 60% ёшлардан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишида инсон капитали билан боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, таълим, тарбия, инвестиция, тадбиркорлик соҳаларига бўлган жиддий эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши келажакда жамиятни бозор иқтисодиёти талаблари асосида барқарор ривожланиши учун замин яратади.

Ҳар қандай жамиятда инсон ва унинг қадри, ҳаёти, турмуш даражаси ва тинчлиги масаласи давлатнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси мазмунига тўхталиб: “Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, ҳар ким сифатли таълим олиш, ижтимоий ҳимояланиш ҳамда тиббий малакали хизмат кўрсатилиши каби ҳуқуқларини тушунишимиз лозим – деб таъкидлаган эди.

Маълумки, инсон капитали жамиятдаги ижтимоий муносабатлар билан бевосита боғлиқ бўлади. Хусусан, инсон капитали бу шахснинг тафаккури, ахлоқи, маънавий ва маърифий қарашлари ҳамда иқтисодий-сиёсий билимлари мажмуини ташкил этади.



Албатта, инсон ўзининг онглилик даражаси, интеллектуал салоҳияти билан атрофни ўраб турган табиат ва жамият қонуниятларини ўзлаштиради ҳамда унга таъсир кўрсата олади. Инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишига унинг атрофидаги ижтимоий муҳит муҳим катта роль ўйнайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ҳақли равишда Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш, учинчи ренесанс, ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари каби атамалар билан номланиб келинмоқда. Янги Ўзбекистонда ривожланиш, тараққиёт соҳасида яна бир даврга қадам қўйилди.

2022 йилнинг 28 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб [1], унга кўра тараққиёт стратегияси етти та йўналиш ва юзта мақсаддан ташкил топган комплекс ривожланиш дастурини ўз ичига олган. Мазкур ҳужжатларни мулоҳаза ва таҳлил этиш асносида мамлакатимизда режалаштирилаётган ислохотлар янги ёндашув асосида амалга оширилиши назарда тутилганига амин бўламиз.

Хуллас, биз қуйида фикр юритиб мулоҳаза ва муҳокама қилмоқчи бўлган инсон капитали масаласи ҳам Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз аксини топган муҳим ислохотлардан биридир.

Инсон капитали тушунчаси фанга XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кириб келди. Инсон капитали бу одамлар ҳаёт фаолияти давомида тўпланган билим ва кўникмалари, шунингдек ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш имкониятидир [2]. Ушбу тушунчани кенг маънода таҳлил қиладиган бўлсак, у жамият иқтисодиёти ривожланишининг локомотиви, етакчи кучи шунингдек, ишлаб чиқарувчининг билим ва салоҳияти, малака ва тажрибасидир. Инсон капитали деганда дастлаб, инсоннинг меҳнат қилиш имкониятларини оширадиган сармоялар йиғиндисидир яъни профессионал таълим ва касбий маҳоратлари тушунилган. Инсон капитали иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили аввало жамият ва оила ривожланиши, билимларга эга бўлиш, интеллектуал салоҳият ва бошқарувчи меҳнат воситалари, аҳоли саломатлиги ва яшаш муҳити, сифатли малакали кадрларнинг юксак салоҳиятидир [3].

Ҳақиқатан ҳам, инсон капиталини ривожлантирмасдан туриб, зарурий билим, сифатли таълим ва кўникмаларга эга бўлмасдан туриб иқтисодий янги ютуқларга (инновацияларга) эришиш мумкин эмас. Ҳозирги глобаллашув замонида фан ва техниканинг шиддат билан ривожланаётган бир даврда инсон капиталига бўлган эътиборни инобатга олмаслик мамлакат умумий ривожланишига жиддий таъсир этувчи ҳамда унинг рақобатбардошлигини пасайтирувчи омиллардан бири бўлиб қолаверади. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг сони қарийиб 8 миллиард кишига яқин бўлиб, 2050 йилга бориб уларнинг сони қарийиб 10 миллиардга кўпайиши кутилмоқда. Шу жумладан, ёшлар дунё аҳолисининг энг тез ўсаётган қисми ҳисобланади [4]. Ёшлар – ҳар қандай жамиятнинг эртанги кун келажагидир. Айни вақтда Ўзбекистонда ёшлар жами республика аҳолисининг 55-60% ини ташкил этади. Яъни Ўзбекистонда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли сони 18 млн.дан ортиқ. Шунга мутаносиб равишда бу



ёшда бўлган фуқаролар ўртасида ишсизлик даражаси 17% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич дунё бўйича 207 млн кишини ташкил этишини ҳисобга олсак, айрим давлатлар кесимида ишсизлик ҳолатини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин:

- Россияда ёшлар 41 млн.киши ёки аҳолининг 16%, ишсизлик эса 15.9%, эпидемия даврида 19.7 % га кўтарилди.
- Хитойда ёшлар 572 млн.киши ёки аҳолининг 28% , ишсизлик эса 16.2 % , баъзи ҳудудларида 20% ни ташкил этади
- Қирғизистонда ёшлар 1.6 млн. киши ёки аҳолининг 27% , ишсизлик эса 11.8 % ни ташкил қилади.
- Тожикистонда ёшлар 40%, шундан 10-15 % ишсиз ҳисобланади.

Бу рўйхатга яна туғилиш ва аҳоли сонини қўшадиган бўлсак, биз юқорида келтирган инсон капитали муаммоси бизнинг республикамызда қанчалик аҳамиятли эканлигини билиб олиш унчалик қийин эмас. Шунинг учун мамлакатимизда инсон капиталини яратишни боланинг ёшлигидан бошламоқ лозим. Чунки, кичик ёшдаги фарзандларимизда билим олишга бўлган иштиёқ кучли бўлиб, уларда сифатли таълим олиш, замонавий технологиялар ҳамда жаҳон стандартлари асосида яратилган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Бугунги ёшларимиздан талаб қилинаётган муҳим нарса инсон капиталини деган тушунчани онгига мустақкам сингдириш, ўз билим ва интеллектуал салоҳиятлари билан фаровон турмуш тарзини яратишдир.

Тадқиқотлардан маълум бўлади-ки, жаҳон банки дунёдаги умумий бойликнинг 66 фоизи инсон капиталига яъни, инсоннинг илм даражасига тўғри келади. АҚШда эса мазкур кўрсаткич давлат миллий бойликнинг 77 фоизини ташкил этади [4]. Ривожланган давлатларда инсон капиталига сарф қилинган ҳар қандай маблағ вақт ўтиши билан ўз мевасини беришлиги тўғрисидаги устувор тушунча мавжуд. Чунки, таълим, тарбия, инвестиция, тадбиркорлик соҳаларига бўлган жиддий эътиборнинг давлат сиёсатига кўтарилиши келажакда жамиятни бозор иқтисодиёти талаблари асосида барқарор ривожланиши учун замин яратади.

Тан олиб таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бу соҳада ҳали қилиниши зарур бўлган вазифалар талайгина. Бинобарин, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатларга қараганда инсон капитали ЯИМ даги улуши кам. Шу маънода бугунги кунда инсон капитали ва унинг ишлаш механизмларига нисбатан қарашлар ўзгарди яъни, инсон капиталининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни бардавом ортиб бормоқда. Хусусан, инсон капитали келажакда инсоннинг ҳаётдаги фаровон турмушининг эталони сифатида даромадлар манбаи бўлиб бормоқда.

Ривожланган, тараққий этган жамиятни билим ва кўникмаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, бугунги глобллашув шароитида иқтисодий ривожланишни таъминлайдиган асосий кўрсаткич билим ва кўникмалардир. Инсон капиталини шакллантириш, эгаллаш ва ривожлантириш даражасини турли усулларга меъёрларга асосида баҳолаш мумкин. Тажрибадан келиб чиқиб, тадқиқотчилар ва иқтисодчи олимлар инсон капиталини фақат таълим олиш билан изоҳлаб, уларнинг даромадлари миқдорига қараб хулоса қиладилар. Жумладан, уларнинг фикрича қўшимча таълим олиш келгусида инсонларнинг олаётган даромадларини 10 фоизга ортишини ҳисоблаб



чиққанлар. Тан олиб айтиш керак, таълим соҳасига киритилган сармоя жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик муаммоларини ҳам камайтиради. Маълумотларга кўра, кўплаб мамлакатларда иқтисодий жиҳатдан таъминланган оилалар фарзандларини уларнинг ёшлигиданоқ имкон қадар яхши имкониятлардан фойдаланишни таъминлаб беради. Натижада, бола кичик ёшиданоқ айрим ютуқларга эриша бошлайди, бир қатор афзалликлар, қулайликларга эришади.

Ҳинд олими Нобель мукофоти соҳиби (1998 йил), Амартия Сен инсон капитали тушунчасини илмий асослаб, уни нафақат моддий ёки иқтисодий фаровонлик балки ҳар бир инсонга берилган танлов эркинлигини назарда тутадиган шахс имкониятларини кенгайтиришдир деб тушунтиради [4].

Қадимдан таълим, илм ва фан ҳар доим кадрланиб келинган. Шунинг таълим учун инсон капиталининг муҳим таркибий қисми сифатида ўзига хос индикатор ҳисобланади. Халқларнинг маданий этник хусусиятлари, барча учун мажбурий умумий ўрта таълим, касб ҳунарга оид таълим шунингдек, малака ва тажриба инсон капиталининг асосий компонентлари ҳисобланади

Инсон капиталини мамлакатни истиқболларини белгилаб берувчи ижтимоий сиёсат деб қаралиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, таълим учун ажратилган сармоя бу мамлакатни келажагини таъминловчи ўзига хос стратегиядир. Инсон капитали такомиллашуви натижасида, фуқароларнинг моддий турмуш тарзи, фаровонлик даражаси яхшиланишига эришилади. Фуқароларнинг интеллектуал салоҳияти, билимлари, кўникмаларининг мукамаллиги уларнинг сармояларини ишончли шаклланишига замин яратади. Шу маънода Республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз қамрови жиҳатидан дипломли мутахассис эмас, малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган. Учинчи ренесанс пойдеворини яратиш бугунги ёшлар қўлида эканлигини ҳисобга олганда ушбу масала катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниш қийин эмас. Ёш кадрларга қўйилган талаблар Янги Ўзбекистон сиёсатида, янги давр руҳига, иродасига, ривожланиш тамойилларига мос бўлган уйғунлик касб этади.

Иқтисодиётни такомиллаштириш, уни янги техника ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида инсон капиталини ривожлантириш давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бинобарин, республикамизда инсон капиталига бўлган муносабат аҳолининг барча ижтимоий қатламларида параллел равишда амал қилиши лозим. Чунки, тараққиётнинг ўзи келажакда фақатгина инсон капиталигина инсоннинг моддий ва маънавий фаровонлиги, турмуш даражасининг юксак ривожланишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Инсон капитали масаласида унинг манбалари ва омилларини таҳлил қилиш шундан далолат беради-ки, оила бу соҳада ўзига хос устуворликка эга. Дарҳақиқат, оила миқёсидаги сармояни кучайтириш ҳар томонлама манфаат келтиради. Чунки оилада ўз фарзанди учун киритилган сармоя давомли ва ортиб борувчи капитал ҳисобланади. Шу маънода оила муҳитида фарзанднинг тарбияси унинг интеллектуал қобилиятлари ривожланишига, мунтазам такомиллашуви билан изоҳланади. Оила жамиятнинг асосий бир бўғини сифатида давлатнинг ҳимояси остида туради. Давлат



ҳар бир оила учун ғамхўрлик қилади. Унинг ривожланиши учун ижтимоий ҳимоя кўрсатади. Оила ўз навбатида ижтимоий муносабатларни реал иштирокчиси сифатида давлат ва жамият билан ҳуқуқий муносабатларга киради. Хуллас оила ва оилавий муҳит ижтимоий ресурсларни вужудга келтиради. Оилавий муҳит, соғлом турмуш, тўғри берилган таълим ва тарбия фарзандларнинг ўз капиталини шакллантиришга қулай имконият яратиб беради.

Сингапур давлатининг машҳур давлат арбоби ва бош вазири Ли Куан Ю ўзининг “Сингапур иқтисодиётининг мўъжисаси” номли асарида “ютуқларимизнинг гарови тўғри олиб борилган сиёсат ва инсон капитали учун сармоя тикишимиздир” дея таъкидлаган эди [5].

Хулоса қилиб айтганда инсон капитали малакатни иқтисодий жиҳатдан юксак тараққий этиши учун ишлаб чиқилган алоҳида стратегия бўлиб, унинг асосий мақсади шахс интеллектуал салоҳияти билан моддий ва маънавий фаровонлик, соғлом турмуш тарзига эришишидир. Инсон капитали индивидуал характерга эга бўлган сармоядир. Шахснинг эгаллаган билимлари, тажрибалари, қобилиятлари, кўникмалари унинг шахсий мулки ҳисобланиб дахлсизлик ҳуқуқига эга.

References:

1. Lex.uz > pdfs. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 ПФ-60-сон.
2. И.Н.Шапкин. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. Москва., 2017.
3. cyberlenika.ru>artikle inson-kapitali. Шарипов М.Л.,Кошанова Н.М. Инсон капитали моҳияти, унингдавлат ва тараққиётидаги аҳамияти.
4. review.uz > post > inson-kapitali. Абдурахмонова Н.Қ. Инсон капиталига сармоя Янги Ўзбекистон тараққиёти кафолати.
5. cof.uz. > post > singapur. Ли Куан Ю Сингапур иқтисодий мўъжизасининг муаллифи.